

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2020 йил
31 октябрь
шанба
№ 125
(4410)

Ishonch



Кун нафаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

**Муҳтарам Раис жаноблари!
Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!**

Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумининг барча иштирокчиларини қутлаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин Жаноби Олийларига коронавирус оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш ва шериклигимизни кенгайтириш масалаларига бағишланган ушбу муҳим тадбирда иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдираман.

Жаҳондаги мушкул вазият ва глобал инқироз шароитида айнан шундай кўп томонлама мулоқот янги хатар ва таҳдидларга самарали қарши туриш учун имконият яратиб, мамлакатларимиз барқарорлиги, фаровонлиги ва илҳом тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Биз Ўзбекистонда Корея Республикаси Президентининг кенг Евроосиё маконида хавфсизликни таъминлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган «Янги шимолий сиёсати»ни юксак баҳолаймиз.

Минтақавий сиёсатнинг энг муҳим жиҳатлари ва ҳамкорлигимиз истиқболларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан. COVID-19нинг глобал миқёсда тарқалиши минтақа давлатлари ўртасида қин мувофиқлашув ва кенг халқаро ҳамкорлик бўлиши зарурлигини кўрсатди.

Кореялик ва бошқа шерикларимизни Ўзбекистонда ушбу касалликка қарши курашишда кўрсатилган кўмак учун миннатдорлик билдираман.

Биргаликдаги ишларни қўйидаги йўналишларда давом эттиришни таклиф этаман:

- Корея компаниялари билан биргаликда ташкил этилаётган фармацевтика кластери негизда самарали вакцина ва зардоблар, касалликларни тез ва аниқ ташхислаш тизимларини ишлаб чиқиш;
- замонавий лабораториялар ташкил этиш ва чегараларимиздаги санитария назорати пунктларини модернизация қилиш;
- Корея Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари иштирокида эпидемиолог ва вирусолог врачларни тайёрлаш;
- тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналарини ташкил этиш;
- минтақада эпидемиологик вазиятни мониторинг қилиш ва барвақт прогнозлаштиришнинг интеграциялашган тизимини жорий этиш.

Иккинчидан. Биз Корея Республикасини мамлакатимизга рақамли ва «яшил» технологияларни келтиришда асосий ҳамкорлардан бири деб биламиз.

Бугунги кунда Кореянинг етакчи компания ва банклари иштирокида Ўзбекистонда юқори технологик тармоқларда ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Биз корейлик инвесторлар фаолиятини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз ва рағбатлантираемиз.

Шунингдек, Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган «Яшил» тараққиёт ва 2030 йилга қадар глобал мақсадлар учун шериклик халқаро саммитида фаол иштирок этишга тайёрмиз.

Учинчидан. «Янги шимолий сиёсат»нинг изчил амалга оширилиши самарали минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантиришнинг долзарб аҳамиятини кўрсатмоқда.

Бу борада сўз юритилганда, аввало, Транссибирь магистрალი ва «Ғарбий Европа – Ғарбий Хитой» йўлаги маршрутларини минтақамиздаги янги темир йўллар қуриш лойиҳалари билан ўзаро боғлаш зарурлигини қайд этиш лозим.

Бундай шароитда Корея яриморали Тинч океани минтақасини Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган ғоятда муҳим коммуникация кўприги бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ушбу ноёб имкониятларни экспертлар даражасида кўриб чиқишни таклиф этамиз. **Тўртинчидан.** Шериклигимизни мустақамлашда «Марказий Осиё – Корея Республикаси» форуми муҳим роль ўйнайди.

Унинг доирасида янги ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилмоқда, инвестициялар, инновациялар, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда ҳамкорлигимизни янги, янада юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда Форум йиғилишини давлатларимиз ҳукуматлари раҳбарлари иштирокида ўтказишга объектив зарурат сезилмоқда.

Ишончим комил, биргаликда «Марказий Осиё – Корея Республикаси» форумини устувор дастур ва лойиҳаларни илгари суришнинг таъсирчан механизмига айлантираемиз.

Бешинчидан. Президент Мун Чже Иннинг Корея яриморалида мустақам тинчликка эришиш борасидаги фаол сўй-ҳаракатларини Ўзбекистон ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ҳамда уларга минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса сифатида қарайди.

Биз Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудуд яратиш борасида ноёб тажриба тўпладик.

Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган тегишли шартнома иштирокчилар ўртасида мураккаб келишиш жараёнидан ўтиб, энг йирик ядровий давлатларнинг зарур кафолатларини олган.

Бугунги кунда ушбу шартнома Марказий Осиёда ядровий хавфсизликни таъминлашнинг самарали сиёсий-ҳуқуқий механизми ҳисобланади.

Кенг тажриба алмашиш мақсадида Ядровий қуролсизланиш, ядровий қуролдан холи ҳудудлар яратиш масалалари бўйича халқаро экспертлик форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар! Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг алоҳида аҳамиятга эга, ишончли стратегик шеригидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик, савдо ва маданий алоқалар бир неча минг йиллик тарихга эга.

Дўстлигимиз халқларимизнинг ўхшаш менталитети, миллий қадрият ва аъёналарига асосланган.

Ўзбекистондаги кўп сонли корейс диспоситори бузилмас ришталаримизни мустақамлаб турувчи муҳим омилдир.

Бу фуқароларимиз мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Сўзим якунида яна бир бор ишонч билан айтимоқчиман: бугунги форум мамлакатларимизнинг узоқ муддатли ва серқирра ҳамкорлигини бутун минтақа тинчлиги ва равнақи йўлида ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беради.

Эътиборингиз учун раҳмат.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Иннинг таклифига биноан 30 октябрь куни Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбир Президент Мун Чже Ин ташаббуси билан ўтказилган бўлиб, бу гал унинг ишида Қозоғистон, Туркменистон ва Мўғулистон етакчилари ҳам иштирок этди. Кун тартибига мувофиқ, коронавирус инфекцияси глобал миқёсда тарқалишининг салбий оқибатларига қарши биргаликда курашиш ва сўй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида жаҳондаги мушкул вазият ва глобал инқироз шароитида айнан шундай кўп томонлама мулоқот янги хатар ва таҳдидларга самарали қарши туриш учун имконият яратиб, мамлакатларимиз барқарорлиги, фаровонлиги ва изчил тараққиётини таъминлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти халқаро сиёсатнинг энг муҳим жиҳатлари ва минтақавий ҳамкорлик истиқболларига тўхталиб ўтди.

Хусусан, COVID-19га қарши курашиш учун яқин мувофиқлашув ва кенг халқаро ҳамкорлик зарурлиги қайд этилди.

Муҳим йўналишларда, шу жумладан, Корея компаниялари билан биргаликда ташкил этилаётган фармацевтика кластери негизда самарали вакцина ва зардоблар, касалликларни тез ва аниқ ташхислаш тизимларини ишлаб чиқиш бўйича биргаликдаги ишларни

давом эттириш таклифи билдирилди. Бундан ташқари, замонавий лабораториялар яратиш ва чегаралардаги санитария назорати пунктларини модернизация қилиш, юқори малакали врачларни тайёрлаш, тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналарини ташкил этиш, минтақада эпидемиологик вазиятни мониторинг қилиш ва барвақт прогнозлаштиришнинг интеграциялашган тизимини жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикасини мамлакатимизга рақамли ва «яшил» технологияларни келтиришда асосий ҳамкорлардан бири деб билишини алоҳида таъкидлади.

Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари якунига етди.

«ENTER Engineering Pte.Ltd.» компанияси ишчилари норозилиги юзасидан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ўрганишлари натижалари

Қашқадарё вилоятидаги синтетик суюқ ёқилги (GTL) ишлаб чиқариш заводи қурилиш майдонида «Enter Engineering Pte.Ltd.» компаниясининг 1500 нафардан зиёд ходимлари ўтказган норозилик акцияси сабабини аниқлаш, камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, зарур амалий ёрдам кўрсатиш бўйича Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев бошчилигида тузилган Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари якунига етди.

Маълум бўлишича, корхонада дастлаб ходимлар 22 кун ишлаб, 8 кун дам олиш тартиби белгиланган. «Covid-19» пандемияси бошланганидан кейин ушбу тартиб ўзгартирилиб, ишчи-ходимлар 60-70 кун давомида ишлаган. Вахта усулида дам олишга кетган ходимлар мажбурий тартибда 10 кун карантинда бўлишган.

Бундан ташқари, ходимларнинг яшаш жойларидан иш жойларига олиб келиш учун мавжуд 130 тадан ортиқ автобуснинг 20 тадан ортиғи эски, ўриндиқлари ва совитиш воситалари талабга жавоб бермайдиган ҳолатда экани аниқланди.

Компанияда мавжуд 10 та овқатланиш жойида моноблок, яъни электрон кириш тизими ўрнатилган бўлиб, ишчи-ходимлар ID card билан рўйхатдан ўтиб, ошхонага кириши белгиланган. Овқатланишга моноблок орқали ўтиш жараёни 30-60 дақиқалик навбатда қилиб кетишга сабаб бўлган. Шунингдек, 21 октябрь куни эрталаб соат 7:30 да ишчилар учун мўлжалланган ошхонадаги моноблок тизимида техник носозлик юзага келган, оқибатда улар кундалик овқатланишга кира олишмаган.

Вазиятни янада ойдинлаштириш мақсадида ижтимоий-меҳнат шароитлари билан боғлиқ 14

та саволдан иборат саволнома тузилиб, ишчилар ўртасида эркин сўровнома ўтказилди. Унда 1200 нафардан ортиқ ходим иштирок этди.

Ўрганишларда аниқланган ҳолат ва компания ходимлари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар таҳлил этилиб, ходимлар номидан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қ.Қирғизалиев, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ш.Қурбонов ва Қашқадарё вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Б.Жўраев, иш берувчи томонидан «Enter Engineering Pte.Ltd.» компанияси бош директори ўринбосари Т.Абдуллаев, компаниянинг Механизация бошқармаси бошлиги Д.Сайфуллозов, «UNIGLOBE FZE» компанияси директори ўринбосари А.Ким ўртасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича музокаралар олиб борилди. Натижада, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича келишувга эришилди, Ишчи гуруҳ таклифи ва ташаббуси асосида ижтимоий-меҳнат муносабатларига тааллуқли бир қатор масалалар ўз ечимини топди. Хусусан, иш берувчи томонидан ходимларга

хизмат кўрсатувчи автотранспорт паркни модернизация қилиниб, қўшимча равишда 20 та янги автобус харид қилинди. «Enter Engineering Pte.Ltd.» компанияси қасаба уюшма қўмитаси марказлашган бўлгани сабабли GTL лойиҳаси бўйича алоҳида бошланғич қасаба уюшма ташкилоти тузилиб, жамоа шартномаси ишлаб чиқиш ишларига киришилди. Овқатланиш жойларида моноблок (электрон кириш тизими) олиб ташланди. Ошхона хизмати администраторлари ўзгартирилиб, хизмат кўрсатувчи ходимлар сони оширилди. Овқат сифати қайта кўриб чиқилиб, кучайтирилди ва 1- ҳамда 2- овқат рационига қўшимча таомлар киритилди. Вахта шароитидаги иш тартиби 22 кун иш, 8 кун дам олиш тартибига қайтарилди. Ишчиларнинг эҳтиёжлари учун машиш шароитларини кенгайтириш мақсадида қўшимча бозор ва савдо дўконлари ташкил этилиши белгиланди. Келишувда белгиланган вазифаларнинг ижроси Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан назоратга олинди.

Бугунги кунда корхона ўз фаолиятини давом эттириб, ходимлар бир маромда меҳнат қилишмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Яширин иқтисодий қисқартриш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чеқди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Туркиянинг ғарбий ҳудудларида юз берган табиий офат – қучли зилзила оқибатида инсонлар қурбон бўлгани, кўплаб фуқаролар жароҳат олгани ҳамда катта талафот кўрилгани муносабати билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанга таъзия йўллади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус пандемияси даврида ташқи иқтисодий фаолият, туризм ва қурилиш соҳаларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Самарқанд шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар қуролли кучлар Штаб бошлиқлари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўринбосари Фуқрат Сидиков Сингапур Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Транспорт вазирлигининг катта давлат вазирлиги Чи Хонг Тат билан видеоконференцада шаклида музокара ўтказди.

Бутунжаҳон қонун ва тартиб индексига кўра, Ўзбекистон дунёда хавфсизлик даражаси бўйича етакчи туққиз мамлакат сифатини ўрин олди.

Истанбулда Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши соғлиқни сақлаш соҳасида мувофиқлаштирувчи илмий қўмитаси йиғилишининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Йиғилишда юртимиздан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер Шодмонов бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этмоқда.

Тошкентда Ўзбекистон улоқ-қўпқари Федерацияси Ижрокўмининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан «Математика фанини ўқитиш ва ўқувчилар билимини баҳолашнинг Буёқ Британия тажрибаси» мавзусида вебинар ўтказилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтида «Ўзбекистонда оила масалаларини илмий-амалий тадқиқ этиш: муаммо ва ечимлар» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.


Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ММАНинг BUSHIDO KOK GRAN PRI Жаҳон лигаси бахсларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз тантанали кутиб олинди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

Тарихга назар

ПОНОБНИНГ БОНОБДАН ФАРҚИ

ёҳуб қадим кўнғироқлар жаранги



Вобокт туманида намунавий уй-жойлар қурилиши ҳақида мақола тайёрлаш учун Поноб қишлоғига бордим. Қурилиш жадал кетяпти. Қўли гул усталар ишидан бош кўтармайди. Штабда ўтирган лойиҳа муаллифи билан танишиб, суҳбатлашдим.

— «Поноб» сўзи қандай маънони билдиради?
— Билмадим. Тошкент лойиҳалаш институтидан шу ҳақда суриштирдик. Аммо жавоб тополмадик.

— Қишлоқ одамларидан сўрамадингизми?
— Сўрадик. Улар ҳам елка қисидан нарига ўтишмади. Биз қурилиш қилаётган жой Паноб бўлса, кўшни қишлоқ номи Боноб экан. Яқинда у ерда ҳам бунёдкорлик ишларини бошлаймиз. Эски гузар, кўчалар ўрнига янгисини қуриб берамиз.

— Боноб дейсизми? Мабодо икки қишлоқ ўртасидан Зарфшон дарёси ирмоғи ўтмагани?
— Буни билмадим-у, хув анави ерда каттагина серсув ариқ бор.

— Муҳандиснинг бу гапидан масала ойдинлашди.
— «Поноб» ва «Боноб»нинг маъносини топгандайман. «Поноб» тожикчада «Поёни об», «Боноб» эса «Бони об» дегани. Яъни сувнинг пасти ва юқорисида жойлашган ерлар маъносиди. «Насабнома» китобида Бонобдан чиққан олти нафар қомусий олим ҳақида маълумотлар бор.

— Суҳбатдан кейин уйга қайтиб «Насабнома»ни варақлашга тушдим.

Бир кун Ромитан туманидаги Сарикунда қишлоғига йўлим тушди. У ердаги масжид анчайин эски экан. Намоз ҳам, жаноза ҳам ўқиб бўлмайди. Масжид меҳроби ортида бир авлиёнинг қабридаги ёзувни кўрдим. Ариқ бўйида ўтирган бир отахон билан суҳбатлашдим.

— Қишлоғимиз борки, шу масжид ҳам бор. Илгари шу ерда жаноза ўқиб, марҳум билан видолашардик...
— Ҳозир жанозани қаерда ўқиясизлар?
— Кўшни қишлоқ масжидида.

— Майит тобутини ўша ёққа олиб бориб, жаноза ўқилгач, яна шу ерга қайтиб, тупроққа топширасизларми?
— Мутасаддилар шундай дегандан кейин илож қанча?
— Кўшни қишлоқ одамлари жаннатий экан. Сизлар эса масжидни ижарага олиб юрибсизлар. Аслида тобутни у ёқдан бу ёққа кўтариб юришнинг ҳожати йўқ, Янги масжид қуришлар.

— Рухсат йўқ. Бир каттакан анави қабр билан тош ёзувни қабристонга кўчиртиришни, бу жойни эса бирор тадбиркорга бериб, дўкон қуришни, обод қилишни буюрганмиш.

— Аммо одамлар кўнгли-чи... Меҳроб ортида ётган зотнинг руҳи-чи. Улар ободлик истамас эканми?
— Бу гаплардан сўнг яна «Насабнома»га мурожаат қилдим. Барча зарур маълумотларни олгач, яна Сарикундага қайтдим. Шу ерлик уч-тўрт оқсоқол ва фаоллар ҳузурда Сарикунда тарихини баён қилдим.

— Қишлоғингиз номи аслида «Сари қўҳан дива». У «қўҳна қальанинг кириш қисми» дегани. Меҳроб ортида мангу ором олаётган зот эса ҳадисшунос Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Соркуний. Шу ерда олимнинг фиқҳ ва ҳадис мактаби бўлган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмаддан ҳадис ривоят қилган. У кишидан эса Абу Убайд ибн Молик ал-Ханоматий ҳадис ёзиб олган. Бу олтин занжирни узоқ давом эттириш мумкин. Аниқ тарих шу. Ҳаракатларингизни қилинлар. Тобутни бу қишлоқдан у қишлоққа кўтариб юргандан кўра масжидни таъмирлаб, олим руҳини шод қилган хайрлироқдир.

Шу воқеадан кейин менда Ромитан тумани ҳудудидаги қирқ саккизта қадимий шаҳар, кент, тепалик қолдиқларини ўрганиш нияти туғилди. Симчи қалъа ёнидаги қабристонда тош ёзувларни учратиб, қалъа қозоға кўчирдим. Уларни ўқиб, таржима ҳам қилдим. Сўнг Туронтепага йўл олдим. Уша ерлик оқсоқоллар билан учрашдим.

Тепалик устини юлғунлар қоплаган. Тариқ майсасидай ниш урган бир гиёҳ новдаларидаги уруғдонларни каф-тимга олдим. Шундай муаттар ҳид таралдики, асти кўяверасиз.

Давраимизда ўтирган Эшонбобо деган киши «Бу — Бухоро девзираи. Баҳорда зира теришга келинг, файз топасиз» деб қолди.

Отахон билан суҳбатимиз қизиқ, гап бошқа мавзуларга уланди. У киши йигитлик пайларда тепаликнинг кунчиқар тарафда бульдозер ҳайдаб юрганида тупроқ орасидан тош сандиқлар чиққан экан. Ичи тўла одам устикони.

— Эшонбобо, улар аслида сандиқ эмас, сополдан ясалган тош тобутлар бўлган. Исломдан олдин аждодларимиз марҳумларни ўша нарсаларга солиб кўмишган. Улар IV асрга тегишли, — дея аниқлик киритдим мен.

Шу гаплардан кейин тепаликдан чиққан сопол парчаларини олиб бериб, Бухоро давлат музей-қўриқхонасидаги мутахассисларга топширдим. Натига қизиқ бўлди. Симичтепа, Кампиртепа, Қизилтепа, Туронтепадан топилган ҳалиги сопол синиқлари VI аср ҳумдонидида пиширилган дон, ёғ, сув хумларнинг парчалари экан.

«Насабнома»дай муҳим аҳамиятга эга манба билан танишарканман, унда келтирилган Бадокар, Барсахий, Бадиҳун, Басбий, Заранжарий, Жизохишт, Займун, Дахфандун, Сурмор каби қадимий қишлоқларнинг бугунги ўзгариб кетган номларини излаб топиш, олимлар, шоир ва шайхлар ҳаётини ўрганиб, рисола ёзиш иштиёқи туғилди.

Сизга илганларим эса шу йўлдаги изланишларимдан бири, қадим кўнғироқлар жаранги кўнглимга солган ўтмиш парчасидир.

Ибодат РАЖАБОВА,

«Насабнома» китобида Бонобдан чиққан олти нафар қомусий олим ҳақида маълумотлар бор.

Суҳбатдан кейин уйга қайтиб «Насабнома»ни варақлашга тушдим.

Бир кун Ромитан туманидаги Сарикунда қишлоғига йўлим тушди.

У ердаги масжид анчайин эски экан.

Намоз ҳам, жаноза ҳам ўқиб бўлмайди.

Масжид меҳроби ортида бир авлиёнинг қабридаги ёзувни кўрдим.

Ариқ бўйида ўтирган бир отахон билан суҳбатлашдим.

Қишлоғимиз борки, шу масжид ҳам бор.

Илгари шу ерда жаноза ўқиб, марҳум билан видолашардик...

Ҳозир жанозани қаерда ўқиясизлар?

Кўшни қишлоқ масжидида.

Майит тобутини ўша ёққа олиб бориб, жаноза ўқилгач, яна шу ерга қайтиб, тупроққа топширасизларми?

Мутасаддилар шундай дегандан кейин илож қанча?

Кўшни қишлоқ одамлари жаннатий экан.

Сизлар эса масжидни ижарага олиб юрибсизлар.

Аслида тобутни у ёқдан бу ёққа кўтариб юришнинг ҳожати йўқ.

Янги масжид қуришлар.

Рухсат йўқ. Бир каттакан анави қабр билан тош ёзувни қабристонга кўчиртиришни, бу жойни эса бирор тадбиркорга бериб, дўкон қуришни, обод қилишни буюрганмиш.

Аммо одамлар кўнгли-чи... Меҳроб ортида ётган зотнинг руҳи-чи. Улар ободлик истамас эканми?

Бу гаплардан сўнг яна «Насабнома»га мурожаат қилдим.

Барча зарур маълумотларни олгач, яна Сарикундага қайтдим.

Шу ерлик уч-тўрт оқсоқол ва фаоллар ҳузурда Сарикунда тарихини баён қилдим.

Қишлоғингиз номи аслида «Сари қўҳан дива».

У «қўҳна қальанинг кириш қисми» дегани.

Меҳроб ортида мангу ором олаётган зот эса ҳадисшунос Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Соркуний.

Шу ерда олимнинг фиқҳ ва ҳадис мактаби бўлган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмаддан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан эса Абу Убайд ибн Молик ал-Ханоматий ҳадис ёзиб олган.

Бу олтин занжирни узоқ давом эттириш мумкин.

Юртимизда она тилимизга Давлат тили мақоми бериш учун кураш қизғин паллага кирган давр эди. Ўшанда минг кўйли бойлар бир чеккада сувнинг оқишига қараб турган пайтда кичкина маоши ва қалам ҳақига қаноат қилиб яшаётган журналист Қурбон Эшматнинг ҳамкасбларига айтган сўзлари ёз кундаги момақалди роқдай янгради: «Она тилимизга Давлат тили мақоми берилган кунда катта кўчқорни қурбонлик қилиб, сизларга худодий оши бераман!»


Ёшлар шу нарсани билиб қўйишлари керак: ўша даврда «Ҳали сен бизнинг тилимиз қолиб, ўзининг тилинг мақом олишини ис-таб қолдингми?» дейдиганлар бор эди. Буни Қурбон Эшмат ҳам жуда яхши биларди. Бироқ у она тилимиз тақдирини ҳал бўлаётган паллада хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшишни виждон амри деб билди, бир чеккада жим қараб тура олмади.

Аслида, журналист учун тил — яшаш воситаси. Булбул чамансиз, балиқ сувсиз яшай олмаганидек, журналист ҳам она тилисиз кун кўра олмайди. Қурбон Эшмат ҳам она тилимизда танқидий-таҳлилий мақолалар ёзиб, элимиз назарига тушиди, ҳамкасбларимиз хурматини қозонди. Унинг танқидий мақоласи чиққан кун ҳамкасбларимиз ўта сиңчовлик билан ўқир-шарди. Танқидга учраган киши раҳмат айтиш учун келмасди, «ўзининг ҳақлигини исботлаб», муаллифга маломат тоши ёғдириш учун катта-контларнинг остонасини ялашга тайёр эди-да, ахир! Бу маломат тошлари унинг жонини оғритса ҳам янги мақоласи учун янада аниқ маълумотлар тўплашга киришиб кетарди.

Айтгандай, сизга Қурбон Эшматов қачон Қурбон Эшмат дея шарафлана бошлагани тўғрисида ёзмабман. Газеталарда кетма-кет публицистик мақолалари чиқиб турган пайтда сеvimли шоиримиз Сирожиддин Саййид унга атаб «Қурбон Эшмат келмади» сарлавҳали шеърини ёзди.

Қурбон Эшмат ким ўзи, Олмосдай кескир сўзи... Ўша кундан кейин ҳамкасблар унга Қурбон Эшмат дея мурожаат қила бошлашди. Беадад шукурларки, ниҳоят она тилимиз фидойиларининг сазй-ҳаракатлари туфайли ўзбек тилимизга Давлат тили мақоми берилди. Бу вақтда Қурбон Эшмат ўзи туғилган қишлоқда эди. Хушхабарни эшитган заҳоти катта кўчқорни машина юқонхонасига солиб, Тошкент сари йўлга тушди.

Одам улғайган сайн унинг турмуш таъшишлари, бажариши лозим бўлган ишлари ҳам ортиб боради. Лекин Қурбон Эшмат турмуш таъшишларига, гап-сўзларга парво қилмай, одамлар дардига малҳам бўладиган публицистик мақолалар ёзишда давом этди. Унинг журналистика соҳасидаги жасоратли меҳнатлари муносиб баҳоланди: Қурбон Эшматов давлатимизнинг «Жасо-



Қурбон Эшмат кўрмаган кунлар

рат» медали билан мукофотланди.

Биз кейинги йилларда ишга кетаётиб, «Чилонзор» метросида учрашиб қолардик. Салом-алиқдан кейин «Ҳа отам, ишларингиз яхшими?» дея ҳол-аҳвол сўрарди. Бир кун «Шаштингиз паст, бирон нарсанинг газетанда чиқмадимми?» дея сўраб қолди. Она тилимизга Давлат тили мақоми берилган кунда кўчқор қурбонлик қилган жонқуяр журналиста ёлгон тўқигим келмади, тўғриси айтдим: «Тил фидойисини бўлган Қайсин Қулиев таваллудининг 100 йиллигида тилга бағишланган шеърини беришмади». Қурбон Эшмат жуда ранжиди. Мен унга таскин бердим: «Ташвиш чекманг, ака, мен ҳеч жойга шошаётганим йўқ, бу шеър таржималаримни Қайсин оға таваллудининг 150 ёки 200 йиллигида албатта чиқартираман». У мириқиб қулиб бўлгандан кейин деди: «Шеърини олиб келинг, биз чиқарамиз». Ширин кулгимиз давом этишини истадим: «Қачон олиб бораёй, Қайсин оға таваллудининг 150 йиллигида ёки 200 йиллигида?» Бу сафар Қурбон Эшмат йираб қолди ва «Кейинги ҳафтадаёқ олиб келинг» деди.

Қурбон Эшмат бу вақтда «Фермер» журналида ишлагани билганим учун уни ортиқча ташвишга қўйгим келмади: «Қайсин оғанинг деҳқонлар, чўпонлар, меҳнат аҳли ҳақидаги шеърлари кўп. Яхшиси, унинг шундай шеърларини олиб бераман», — дедим. Қурбон Эшмат айтган сўздан қайтмади: «Ҳозир айтган шеърларингизни ҳам, тил ҳақидагисини ҳам олиб келинг».

Бирон ҳафтадан кейин яна метрода учрашдик ва у нега келмаётганимни суриштирдик. Энди баҳона излашим мумкин эмасди. Бир неча кундан кейин айtilган шеърларни олиб бордим. Журналнинг иш тартиби маълум, бир неча ойдан кейин ўзим ташвиш этган шеър таржималарим босилиб чиқди. Журнални варақлаётганимда Қурбон Эшмат узра сўрагандай бўлди: «Тил ҳақидагисини тил байрами кунлари берамиз». Бунга жавобан шоша-пиша гап қотдим: «Ака, овора бўлманг, мен ҳеч оғайа шошаётганим йўқ, бу шеърни Қайсин оға таваллудининг 150 ёки 200 йиллигида албатта чиқартираман». Сўзларимдан Қурбон Эшматнинг юзи ёришди, жилмайди.

Ўша вақтда Қурбон Эшмат менга яхшилик қилиш учун шошаётганини билмаган эканман. Унинг вафот этганини эшитганимда, хаёлимдан «Қайсин оғанинг тил ҳақидаги шеърини таваллудининг 150 ёки 200 йиллигида чиқарар эканман» деган сўзлар ўтди. Қулоғим тагида Қурбон



Эшматнинг самимий кулгиси эшитилгандай бўлди.

Қайсин Қулиевнинг тилга бағишланган ўша шеъри нашр этилди. Фақат бир армон қолди: шу шеър нашр этилганда Қурбон Эшмат билан бирга йираб қувониб насиб этмади. Биз чиқармоқчи бўлган она тили ҳақидаги шеър шундай бошланарди:

Она тилим! Халис хизматда бўлдинг, Гўё нур сочгандай қўёи осмонда. Биз билан йилгадиг, биз билан қулдинг, Мустабид замонда, ғалаба онда!..

Қурбон Эшмат билан она тилимизда неча йиллар йираб суҳбатлашдик. Ҳозир эса она тилимизда хотираларимни ёзганман. Афсуски, Қурбон Эшмат юртимиз тарихида биринчи бор нишонланаётган ўзбек тили байрамини завқ-шавққа тўлиб кўролмади.

Энди юртимизда ўзбек тили байрами ҳар йили катта тантаналар билан нишонланади. Байрам кунлари она тилимиз нуфузини тиклашга ўз ҳиссасини қўшганлар номна-ном эсланади. Улар қаторида ўзбек тилимизга давлат тили мақоми берилган кунда кўчқор қурбонлик қилиб, юртимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган қутлуг санани ҳамкасблари билан нишонлаган Қурбон Эшмат ҳам бўлади!



Асрор МҮМИН, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Табиат ғаройиботлари



ШАЙТОН ҚАЛЪА СИРЛАРИ


Борсакемласда хазина борми?

Қорақалпоғистон ҳудудидаги сирли масканларнинг бири — Борсакемлас шўрхоқлигидаги Шайтон қалъадир. Ушбу жойда олисдан кўзга гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб бўлиб кетадиган қалъа тўғрисидаги кизикарли ривоятлар неча асрлардан буён сақланиб келади.

Борсакемлас шўрхоқлиги 21 миллион йил аввал йўқ бўлиб кетган Тэтис уммонининг қолдигидир. Ҳозирги пайтда узунлиги 90, эни 50 километргача келадиган ушбу тўз қонидан кўнғирот тумани ҳудудида жойлашган «Кўнғирот сода заводи»га хомашё қазиб олинади.

Борсакемлас номи айнан Шайтон қалъа атрофидаги ривоятларга боғлиқ бўлиб, уларда айтилишича, қалъада кўп микдорда олтин қўмилган. Бу олтинлар миллиондан аввалги IV асрда Хоразмда ҳукмдорлик қилган Фарасманга тегишли бўлган. Нега асрлардан буён ушбу олтинларга эга бўлиш иштиёқида у ерга боришга отланган кўпгина одамлар ис-сиз ғойиб бўлиб, қайтиб келмаган. Шунинг учун «борсанг, қайтиб келмайсан» деган гап тарқаб, мазкур жойга шундай ном берилган.

Борсакемласдаги мазкур қалъа Қорақалпоғистондаги тарихий масканларни илк бор тадқиқ қилган машҳур рус археолог Сергей Толстовнинг ҳам эътиборини тортган. У «Қадимий Хоразм таваллудини изидан» асарига шундай маълумот берган: «Оролга қирғоққа деярли етиб бўлмайди. Тўз қобиғи билан қопланган чўқур ботқоқни пиёда ҳам, қайиқда ҳам ўтиш қийин. Маҳаллий аҳоли бизга у ерда қандайдир сирли қалъа борлиги ва қалъада тунда чироклар ёнишини, у жойга қадимда бир подшоҳ катта хазина қўмганини ай-



Есимхон КАНОАТОВ, «ISHONCH»

Эълонлар

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ БОСКИЧМА-БОСКИЧ ОШИБ БОРИШ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ

Очиқ аукцион савдосига «Bo'stonliq agroservis mashina-traktor parki» МЧЖнинг 29.10.2020 йилдаги буржманомасига асосан, мазкур жа-мият балансидаги Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Товқосой» кўрғони, С.Раҳимов қўчаси манзилида жойлаш-ган қуйидаги бино иншоотлари қўйил-моқда:

1) Умумий ер майдони 2833,0 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар, шун-дан — «Гараж» (литер-020) қурилиш ости майдони 551,26 кв.м., «Ховуз» (ли-тер-019) қурилиш ости майдони 40,96 кв.м., «Жизам биноси» (литер-021) қу-рилиш ости майдони 6,9 кв.м., «Қожа-хона» (литер-018) қурилиш ости май-дони 11,8 кв.м.

Жами бошланғич баҳоси — 144 484 000 сўм;
2) Умумий ер майдони 2646,0 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар, шун-дан — «Қозонхона-2, қозонхона» (ли-тер-015) қурилиш ости майдони 115,9 кв.м., «Гараж ёнидаги бино» (литер-012) қурилиш ости майдони 101,36 кв.м., «Электр цехи» (литер-017) қурилиш ости майдони 22,2 кв.м.

Жами бошланғич баҳоси — 95 902 000 сўм;
3) Умумий ер майдони 700,0 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар, шундан — қурилиш ости майдони 284,0 кв.м., «Эски идора биноси» (литер-001) ва «Бостирма» (литер-002).

Жами бошланғич баҳоси — 26 320 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 30 но-ябрь кун соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шота Руставели кў-часи, 68-А уйи бўлиб ўтади.

Мазкур объектлар шу кунги сотил-май қолган таъдирда тақрорий аукцион савдоси 2020 йилнинг 15. 30 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади ва савдолар учун буржманомалар қабул қилиш савдосидан бир кун олдин соат 16:00 да тўқатилади.

Аукцион савдосида иштирок

этиш истигани билдирган шахслар «Заказат пули тўғрисидаги келишув-ини имзолагандан сўнг объект баш-ланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги заказат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ-нинг ҳисобрақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Мировоб фили-али, х/р: 2020800004876496001, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим.

Харидорга (аукцион голлиби) 10 кун мuddат ичида олди-сотида шартнома-сини имзолаш мажбурияти юкланади. Шунингдек, Ризолорлик ҳизматларнинг илмий стандарти (2-сон РМЖ)га асо-сан талабдорларга қўшим мулк бозорида ахборот ва махсусат қизмати кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги ҳужжат-ларни топшириши керак:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан нусخаси, ишончли вакил иштирок этганида қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлашти-рилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси,

— жисмоний шахслар учун — па-спорт нусхаси, ишончли вакил ишти-рок этганида қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлашти-рилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси,

— заказат пули тўланганини тас-диқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Талабдорлардан буржманомалар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 68-А уйи манзи-лида қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар realtorservice@mail. ху. электрон почта ёки 95-170-78-13 те-лефонлари орқали мурожаат қилиш-лари мумкин.

Ҳизматлар лицензияланган. RR — 08008.

Янгиёй шаҳар Ер тузиш ва қўшим мулк кадастри томонидан Янгиёй шаҳар А.Ортиқов қўчасидаги кўч қаватли 11-уйнинг 2-хонадони учун «Милит» ҳужусий корхонасига берилган барча кадастр ҳужжатлари йўқолиши маълум қилинади.

Тошкент шаҳар Сергели тумани Сув тақсимот бўлими бошлиғи Содиқов Зо-ҳиджон Зокировичга тегишли хизмат гувоҳномаси йўқолиши маълум қилинади.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюмисига Республика кенгаши «Трансўйқурилиш» давлат уни-тар корхонаси касба уюшма қўмитаси раиси Анавар Қазакбоевга отаси

Султон ҚАЗАКБОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректо-рати ва касба уюшма қўмитаси университетнинг «Олигофренопеда-гогика» кафедраси мудири Муъссар Ҳамидовага тур